

## ҚАДИМГИ ХИТОЙ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ МАСАЛАЛАРИ ОИД ҚАРАШЛАРИ

*Қаҳрамон Усманович Умидуллаев*

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Давлат ва ҳуқуқ институтининг катта илмий  
ходими, юридик фанлар бўйича фалсафа  
доктори (PhD)*

**Аннотация:** Мазкур мақолада қадимги Хитой худудида давлат ва ҳуқуқнинг вужудга келиши, уларнинг сабаблари ва ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган. Мавзуга оид маълумотлар, хусусан, қадимги Хитой мутафаккирларнинг давлат ва ҳуқуқ борасидаги қарашлари ўрганилиб, таҳлил қилинган. Шунингдек, айрим қадимги Хитой давлатчилигида амалда бўлган ҳуқуқий муносабатлар қисқача ёритиб берилган. Ўрганиш натижаларига асосланиб тегишли хулоса қилинган.

**Калит сўзлар:** Қадимги Хитой, давлат, ҳуқуқ, Конфуций, [Даоизм](#), Лао Цзи, Легизм, мутафаккирлар, одат ҳуқуқи, урф-одат.

Давлатнинг вужудга келиши билан уни тартибга солиш оид турли ижтимоий муносабатлар, хусусан, ҳарбий, молиявий, халқни итоатда сақлаш каби масалалар юзага келган. Ушбу муносабатларни тартибга солиш муайян нормаларни талаб қилган. Мазкур нормалар давлат ва унинг бошқарув органлари фаолиятини тартибга солишга бўлган эҳтиёж сабабли ривожланиб орган.

Маълумки, инсонлар тинч ва яхши яшашлари учун муайян ижтимоий интизомга эҳтиёж бўлган. Қадимга бундай интизом дастлаб, ахлоқ қоидалари, анъаналар, урф-одатлар ва одат ҳуқуқлари билан тартибга солинган. Улар кейинчалик турли ҳуқуқий нормаларнинг шаклланишига асос бўлган. Ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши жамиятда турли қатламларнинг вужудга келишига, турли тузилмалар шаклланиши эса уларни тартибга солиш билан боғлиқ ҳуқуқий тизимнинг ривожланишига сабаб бўлган.

Маълумки, жамиятда инсонлар ўртасидаги турли муносабатлар жараёнида бурч ва масъулият юзага келади. Қадимги давлатларда ҳам давлат ва аҳоли ўртасидаги муносабатларни тартибга солишда муайян меъёрларга, тартибга, қоидаларга риоя этилган. Давлат ва жамиятни бошқариш мураккаблашиши билан ҳуқуқий муносабатлар ҳам такомиллашиб борган. Шу тариқа давлат ва жамият ишларини тартибга солишга оид қоидалар – ҳуқуқ ва мажбуриятлар тизими шаклланган.

Ҳозирги Хитой илк давлат бирлашмалари ва у билан боғлиқ бўлган ҳуқуқий муносабатлар шаклланган қадимги ҳудудлардан биридир. Манбаларда қайд этилишича, Қадимги Хитойда илк давлат кўринишидаги бирлашмалар Хуанхе ва Янцзи дарёлари ёқаларида ташкил топган.

Хусусан, “Шимолий Хитой ҳудудидаги ўрта палеолит даврига оид Хэтао (Ордос) маданияти, сўнгги неолит даврига мансуб Яншао ва Луншань маданиятлари шулар жумласидандир. Қадимги Яншао (тахм. мил. авв. 3 минг йиллик ўрталаридан 2 минг йиллик ўрталаригача) одамлари овчилик, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган.

Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотлар натижасида Такламакон чўли атрофида 5–6 минг йиллик тарихга эга бўлган жасадлар, мато бўлаклари, сопол идиш ва бошқалар топилгани Хитойнинг ғарбий ҳудудида ҳам қадимги маданият бўлганлигидан далолат беради.

Қадимги Хитой ҳудудида милоддан аввалги 1766–1122 йилда Хуанхэ дарёсининг ўрта оқимларида даставвал Шанг, кейинчалик Инь деб номланган (Шанг Инь даври) илк давлат тузуми ташкил топган.

Инь даврида Ой календарининг белгилари, ёзув – ҳозирги Хитой иероглиф ёзувининг ибтидоси пайдо бўлган. Кейинчалик Инь давлатининг ғарб томонида Чжоу (мил. ав. 1122–256) деб номланган қабила кучайиб, ўз давлатини ташкил қилган. Цинь империяси даврида эса хунлардан мудофаа учун подшоликлар деворлари бирлаштирилиб, Буюк Хитой девори барпо этилган”<sup>1</sup>.

Таҳлилларга кўра, Хитой ҳудудида вужудга келган қадимги давлатларнинг аксариятида ҳокимиятнинг марказлашуви, автократик монархия хос бўлган. Умуман бошқа аксарият қадимги давлатларда бўлгани каби, қадимги Хитойда ҳам ҳокимиятни мутлақлаштиришга оид қарашлар бўлган.

Хусусан, қадими Хитой ҳуқуқ манбаларида ҳукмдорни улуғлаш, унинг чекланмаган ҳокимиятга эга бўлиши, халқни итоатда сақлашда қаттиққўллик кабилар хос бўлган. Асосий ва муҳим ишлар марказий ҳокимият томонидан ҳал қилинган. Марказлашган ҳокимиятнинг асосини мутлақ монархия ташкил этган. Қадимги Хитой давлат ҳокимиятининг автократик монархия режими қадимги Хитой мутафаккирлари томонидан турлича талқин қилинган. Кўпчилик мутафаккирлар ушбу тизимни ёқламаса-да, аммо автократик тартиб тарафдорлари бўлган қарашлар мавжуд.

Аммо Хитой давлатчилиқ тарихида Конфуцийликнинг “олтин ўрталиқ”, “ҳамфикирлиқ” каби қарашларини қабул қилган давлат тузилмалари ҳам бўлган. Умуман олганда, Хитой давлатчилигининг узоқ тарихида жуда чуқур сиёсий тизим, ҳуқуқий анъаналар ва фалсафий қарашлар юзага келган. Қадимги

<sup>1</sup> <https://qomus.info/encyclopedia/cat-x/xitoy-uz/>

Хитой мутафаккирлари томонидан давлат бошқаруви ва унинг ҳуқуқий асосини таъминлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилган ва уларни ўрганишга арзийдиган етарли сабаблар ҳамда асослар мавжуд.

Нафақат Хитой, балки жаҳон халқлари томонидан ҳозирга қадар ўрганиладиган, ўзининг чуқур сиёсий, фалсафий, мантикий, ҳуқуқий ва бошқа қарашлари билан танилган қадимги Хитой мутафаккирларидан бири Конфуцийлик (Kong Fu Zi) таълимотига (тах. мил. авв 551-479) давлат ва жамият қандай бўлиши кераклиги, давлат бошқарувида ҳукмдор томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар, идеал ҳукмдор ва унга қўйиладиган талаблар ҳамда жамиятни бошқариш борасида аҳамиятли фикрлар ва мулоҳазалар мавжуд.

Конфуций таълимотига кўра, “Агар ҳокимиятда қалби пок мулозимлар қалби нопоклардан юқори қўйилса, унда халқ итоатда бўлади. Борди-ю, қалби нопоклар поклардан устун бўлса, унда халқ итоатсизлик қилади<sup>2</sup>”.

Ҳукмдор халққа муносиб муносабатда бўлиши керак. Халқ эса ўз навбатида ҳукмдорига итоат этиши керак. Давлат бошқарувида эзгулик ва яхшиликнинг аҳамияти катта. Конфуцийнинг издошларидан бир Meng Zi – Менг Зи (371 – 289)нинг фикрига кўра, одамлар золим ҳукмдорларга қарши чиқишга ҳақли.

Шунингдек, қадимги Хитойда турли замонларда яшаган мутафаккир, файласуф ва олимлар томонидан ҳам давлат ва жамият бошқаруви борасида турли фикрлар билдирилган.

Хусусан, “*Dao De Jing* – [Даоизм](#) таълимотида конфуцийлик қадриятлари инкор этилади. Уларнинг фикрига кўра, хулқ-атворнинг асосий тамойили – табиий йўл ҳисобланади. Даоизм табиат билан уйғунликда яшашни тарғиб қилади<sup>3</sup>”. Шунингдек, легализм тарафдорлари ҳам Конфуций таълимотига қўшилмайди. Уларнинг фикрига кўра, ҳукмдорнинг вазифаси қаттиқ қонун асосида ҳар бир киши манфаати йўлида тинмай меҳнат қилиши, мукофот ва жазолар тизими исрофгарчиликдан сақланиш лозим<sup>4</sup>”.

[Даоизм](#) таълимоти кўра, “агар инсон мақсад сари ҳаракат қилса, аммо етарли куч сарфламаса, демак у инсон ҳозирча йўлда ва у шу йўналишда давом этиши керак. Агар инсон ўз мақсади йўлида талаб қилинганидан кўра кўпроқ куч сарфласа мақсадидан ортиғига эришади. Лао Цзининг фикрига кўра, “Энг яхши ҳукмдор – унинг борлигини халқ биладиган ҳукмдор. Идеал раҳбар бу –

<sup>2</sup> Низомиддинов Н.Ф. Қадимги Хитой тарихи. Диний эътиқоди ва маданияти. “Fan va texnologiyalar” –Тошкент 2014. – Б. 176.

<sup>3</sup> Ancient China From the Neolithic Period to the Han Dynasty. Asian Art Museum, February 20, 1999. – P. 83.

<sup>4</sup> Ancient China From the Neolithic Period to the Han Dynasty. Asian Art Museum, February 20, 1999. – P. 19.

хокимиятни ифодаловчи, халқни рухлантирадиган ва тартибсизликларнинг олдини оладиган раҳбардир”<sup>5</sup>.

Легизм таълимоти қадимги Хитой ахлоқий ва сиёсий тафаккурининг асосий йўналишларидан бири. Легизм таълимотида бошқарувда ҳуқуқий мажбурлаш ва жазога лозимлигини таъкидланади<sup>6</sup>.

Легизм ҳуқуқшунослик назарияси ва амалиётининг асосчиларидан бири Гуан Чжундир (мил. авв VIII-VII аср). Легизм давлатда ягона ҳуқуқий қонуннинг устуворлиги ҳақидаги таълимотга асосланади. Қонун яратувчиси фақат автократик ҳукмдор бўлиши мумкин. Қонунлар замон эҳтиёжларига қараб ўзгартирилиши ва қайта кўриб чиқилиши мумкин.

Легизм вакилларининг фикрига кўра, бошқарув аппаратини якка ўзи бошқарадиган ҳукмдорнинг чексиз ҳоқимияти ҳисобланади. Мансабдор шахсларни анъанавий меросхўрлик ўрнига, ҳукмдор томонидан тайинланиши, мукофотлар ва имтиёзлар бериш тамойили амал қилиши керак. Таълимотга кўра, ҳукмдор ва халқ ўртасидаги муносабатлар антагонистик бўлиши мумкин. Яъни фуқароларининг фаровонлигини автократик ҳоқимият режимида боғлиқ. Фуқароларнинг асосий вазифаси давлатга садоқат, қонунга сўзсиз итоат қилиш ва ҳарбий хизматдир.

Умуман олганда, легизм қонунга асосланган бошқарув – “куч ва зўравонлик” ҳақидаги таълимот. Легизм таълимотида ҳам конфуцийлик таълимоти инкор этилади. Легизм ўз даврида марказлашган Цин империясининг расмий мафқураси ва бошқарув тизимининг асосига айланган<sup>7</sup>.

Қадимги Хитойда вужудга келган таълимотлардан яна бири, Лао Цзи таълимоти ва унинг ўзи афсоналаштирилган. Хусусан, унинг туғилиши афсоналаштирилган ва тарихий манбаларда “Кекса ўқитувчи” ёки “абдий бола” деб қайд этилган. У Чжоу ҳукмдори саройида архивчи сифатида фаолият юритган. Лао Цзи ўзининг давлат бошқарувига оид ҳуқуқий ва фалсафий қарашларини “Дао ва Дэ китоби”да ёзиб қолдирган.

Лао Цзи Нима учун дунёда урушлар ва можаролар кўп?, Нега жамиятда адолатсизлик ва жиноят содир бўлмоқда?, Нега биз тез-тез ўзимизни қайғули ва хафа ҳис қиламиз, тақдиримиздан норозимиз?, – деган саволларга шундай жавоб беради: “Биз ўз фикр ва қарашларимизга боғланиб қолганмиз, ўз хоҳиш ва мақсадларимизга бўйсунган ҳолда ҳаракат қиламиз, бундан ҳам ёмони, ўз иродамиз ва ғояларимизни бошқаларга юклаймиз. Унинг фикрига кўра, ҳақиқий ҳаёт – бу умуминсоний қонунларга риоя қилиш, ўз хоҳиш-истакларига

<sup>5</sup> Кобзев А. И. Ван Янмин и даосизм // Дао и даосизм в Китае / Отв. ред. Л. С. Васильев. – М.: Наука, 1982. – 289 с.

<sup>6</sup> Переломов Л.С. Конфуцианство и легизм в политической истории Китая. – М.: Наука, 1981. – С.52-53.

<sup>7</sup> Васильев Л.С. Государство и частный собственник в теории и практике легизма. – В сб.: 5-я научная конференция «Общество и государство в Китае», в. 1. – М., 1974.

берилишдан бош тортиш, шахсий манфаат ва бемаъниликни унутиш керак. Соф ва бегуноҳ бўлгандагина ҳаёт уйғунлик ва маъно касб этади”<sup>8</sup>.

Лао-цзининг фикрича, “агар ҳокимият ўта фаол бўлса, халқни идора этиш қийин бўлади”<sup>9</sup>. Лао-цзи ўта фаолликни қоралаб, уни жамиятда тартиб-интизомга путур етказиб, ўзбошимчаликка, адолат мезонлари бузилишига олиб келади деб ҳисоблайди. Лао-цзи барча учун тенг мажбурият ва имтиёзлар берадиган қонунлар бўлиши лозимлигини таъкидлайди.

Шан Яннинг фикрига кўра, “Давлат қонунга амал қилувчи фуқароларни рағбатлантириши ва айбдорларни қаттиқ жазолаши керак. Давлат жамиятни тартибга солувчи асосий механизм. Шу боисдан ҳам у ижтимоий муносабатларга, иқтисодиёт масалаларига, фуқароларнинг шахсий ҳаётларига аралашшига ҳақли”. Унинг қайд этишича, “Қонун ҳамма учун, оддий халққа ҳам, катта мансабдорга ҳам бирдай тенг бўлиши керак”<sup>10</sup>.

Шунингдек, Қадимги Хитой манбаларида Ван(шоҳ)нинг ҳукми олдида барча тенглиги қайд этилган<sup>11</sup>. Яна бир манбада қайд этилишича “Мамлакатда тақиқловчи қонунлар кўп бўлса, халқ қашшоқлашади. Қаерда қонунлар ва фармонлар кўпайса, ўша жойда ўғрилар ва талончилар ҳам кўпаяди”<sup>12</sup>.

Умуман олганда, қадимги Хитой мутафаккирлари аксарияти давлат, жамият ва халқ ўртасида тенгликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратишган.

Қадимги Хитой мутафаккирларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари борасида илмий тадқиқот олиб борган Д.Сагдуллаеванинг фикрига кўра, “Улар наздида давлат бошқарувининг қайси шакли амал қилишидан қатъи назар давлат раҳбари ҳар қандай шароитда ўз фуқаролари олдидаги бурчи ва мажбуриятини бажаришга мажбурдирлар, улар халқни бир мақсад асосида бирлаштириб олга қараб ҳаракатлантирувчи кучга эга бўлишлари керак. Айнан шу сиёсий қарашларданок мутафаккирларнинг ҳуқуқий онги намоён бўлади. Чунки бунда раҳбар муайян ҳуқуқларнинг субъекти сифатида жамият олдидаги вазифасини бажариш жараёнида фуқаровий бурч ва мажбуриятларнинг бажарилишини ҳам талаб қилади”<sup>13</sup>.

Қадимги Хитой тарихи давлат бошқаруви ва ҳуқуқ тизими борасида илмий изланишлар олиб борган Н.Ф.Низомиддиновнинг Қадимги Хитой тарихи. Диний эътиқоди ва маданияти номли монографиясида Қадимги Хитойда давлат бошқаруви ва Суд жараёнларига оид бир нечта казуслар келтирилган.

<sup>8</sup> Дао дэ Цзин. Книга о Пути и Добродетели. <https://www.newacropol.ru/alexandria/philosophy/philosofs/laotzu/>

<sup>9</sup> История политических и правовых учений. – М.: Норма-Инфра, 1999. - с.26.

<sup>10</sup> История философии. – Ростов на Дону: Феникс, 2000. - с.32.

<sup>11</sup> Древнекитайская философия. Собрание текстов в 2-х т. Т.1. – М., 1972-1973. -с.86-87.

<sup>12</sup> История китайской философии. – М.: Прогресс, 1989. - с.47.

<sup>13</sup> Сагдуллаева Д. Қадимги хитой фалсафасига оид ҳуқуқий қарашлар генезиси <https://cyberleninka.ru/article/n/adimgi-hitoy-falsafasiga-oid-u-u-iy-arashlar-genezisi>

Хусусан, Чжоу саройида судлов жараёни билан боғлиқ бўлган ҳужжатлардан бирида куйидагилар қайд этилган: “Учинчи ой, цзян-шэн кунида Ван Фанидаги Шангун саройида суд бўлди ва унга Бо Ян-фу куйидаги айбномани эътиборга ҳавола қилади.

“Му-ню! Сен тухматда айбланасан, чунки сен ўз қасамингга хиёнат қилиб, ўз бошлиғинг билан судлашишига журъат қилдинг. Ҳозир сен яна қасам ичдинг ва шунга кўра, Сэга етиб боргач Чжин билан учрашиб, унга мана бу беш кишини топширишинг керак. Сен ҳукми эшиттинг. Дастлабки сенга берилган жазо тамға босиш ва қамчи билан минг марта калтаклаш эди. Кейин маълумки мен сенга берилган жазони камайтирдим...

Ҳозир мен сенинг жазонгни яна егиллаштирмоқчиман. Энди сен беш юз марта қамчи билан урилгач, 30 хуан жарима тўлайсан.

Бо Ян-фу яна Му-нюни мазкур мазмундаги қасам келтиради, шу маънодаки: “– Мен энди ҳар қандай шароитда ҳам ҳеч кимга зарар етказмайман”.

Бо Ян-фу деди:

– Агар сенинг бошлиғинг яна устингдан шикоят ёзиб берса, сен минг қамчи калтак ва тамға босиш билан жазоланасан. Му-юн қасам ичди. Қасам ичилганидан сўнг ундан жарима олинди...”<sup>14</sup>

Иш мазмунига қараганда ҳарбий хизматчи, ўзининг бошлиғи устидан Судга мурожаат қилган. Суд эса ишни кўриб чиқиб, унинг қилган мурожаати тухмат эканлигини аниқлаган ва унинг ўзини жазолаш тўғрисида қарор қабул қилган. Мазкур ишнинг эътибор қаратадиган томони Судья ишнинг егиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи томонларига эътибор берган. Суд жараёнида жазони егилроғига алмаштриган, аммо унинг устидан яна шикоят бўлган тақдирда жазо оғирлаштирилиши тўғрисида огоҳлантирган. Гарчи тайинланган жазонинг адолатли ёки адолатсиз эканлиги тўғрисида бир нарса дейиш қийин бўлса-да, эътибор қаратадиган қисми – муайян тартибга, нормага амал қилинган.

Яна бир манбада қайд этилишича, қадимги Хитойда “Цин сулоласи ҳукмронлиги даврида ички бозорларда савдо-сотикда пул, ўлчов, оғирлик, бирликлари белгиланиб, давлат солиқ тизими изга туширилган. Император тахтга ўтириши билан ўлчов ва оғирлик бирликлари ҳақида махсус фармон чиқарган. Ва нимаики ҳар икки ўлчов бирлигига жавоб бермаса ёки шубҳа туғдирса, улар унификация қилинган. Агар тарози тоши талабга жавоб бермаса, омборхона мутасаддисига бир совут қиймати баробарида жарима солинган”<sup>15</sup>.

<sup>14</sup> Низомиддинов Н.Ф. Қадимги Хитой тарихи. Диний эътиқоди ва маданияти. “Fan va texnologiyalar” –Тошкент 2014. – Б. 35.

<sup>15</sup> Низомиддинов Н.Ф. Қадимги Хитой тарихи. Диний эътиқоди ва маданияти. “Fan va texnologiyalar” –Тошкент 2014. – Б. 64.

Ушбу ҳолатда жариманинг бир совут қиймати миқдорида белгиланиши “бир совут қиймати” ўлчов бирлиги сифатида қабул қилингани, шунингдек мамлакатнинг ҳарбийлашганлигидан далолат беради. Умуман олганда, мамлакатнинг асосий қудратини ҳарбий қисм ташкил этиши деярли барча қадимги давлатлар учун хосдир. Баъзан ҳарбий юришлар давомида юзага келган ишлар бевосита ҳарбий кенгашлар томонидан кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинган. Бундай ишлар нафақат, ҳарбий тартиб интизомни бузиш ҳолати билан боғлиқ, балки бошқа мазмундаги ишлар ҳам кўриб чиқилган.

Айрим қадимги давлатлар ҳуқуқ тизимида айбдор ўз айбига иқрор бўлмаган ҳолатда унга нисбатан жисмоний жазо қўлланилиши мумкинлиги қайд этилган. Аммо жисмоний жазо қўллашда ўзига хос тартибга риоя қилинган.

Хусусан, қадимги Хитой ҳуқуқ тизимида амалда бўлган қуйидаги ҳолат мисол бўлади. “Жиноий ишларни очишда дафъатан жисмоний жазо қўллаб, иш юритишдан кўра, аввал тегишли маълумотларни аниқлаб тўплангани маъқул. Сўроқ вақтида жиноятчини диққат билан тинглаб, унга барча воқеани тўла-тўқис баён қилишга имкон бериш керак. Гарчи гуноҳкор нотўғри сўзлаётган бўлса ҳам дарҳол унинг сўзини бўлиш жоиз эмас.

Агар сўроқ қилинаётган бир неча бор ёлғон кўрсатмалар берганлиги аниқланса-ю, лекин у ўз гуноҳини бўйнига олмаса, фақат шундан кейин қонунга биноан унга жисмонан таъсир кўрсатилади. Бу ҳолатда иш дафтарига қуйидаги хулоса ёзма равишда қайд этилиши керак.

“Гумон остидаги шахс ўз берган маълумотларини бир неча бор ўзгартириб ўзига-ўзи қарши чиққанидан кейин уни калтак остида сўроқ қилинди”<sup>16</sup>.

Гарчи гумондорни сўроқ қилиш вақтида унга нисбатан қийноқ билан боғлиқ жазо қўлланилишини оқлаб бўлмаса-да, воқиа бундан тахминан икки ярим минг йил олдин бўлганини, қийноқ жазосини қўлламасликнинг барча чоралари кўрилганини, ушбу ҳолатга охириги чора сифатда йўл қўйилганига эътибор қаратиш лозим. Бундан ташқари, ушбу ҳолатнинг иш дафтарига расман қайд этилгани, янада аҳамиятли. Афсуси ҳозир ҳар қийноқ билан боғлиқ ҳолатлар тўлиқ бартараф этилган деб бўлмайди.

Яна бир ҳолатда қайд этилишича, Циндаги давлат омборида мутасаддиси Чун юй И жиноятга қўл урганлиги учун жазога тортилиши керак эди. Шу мақсадда назоратчилар маҳбусни Чананга олиб кетаётганларида Чун юй И ўз қизларини йўлда учратиб, сўкиниб деди:

“Менинг болаларим ичида бирортаси ўғил туғилмади. Бошга иш тушганида қизлардан умуман фойда йўқ экан”.

<sup>16</sup> Низомиддинов Н.Ф. Қадимги Хитой тарихи. Диний эътиқоди ва маданияти. “Fan va texnologiyalar” –Тошкент 2014. – Б. 64.

Шунда унинг кенжа кизи Ти-ин отасига жуда ачиниб уввос солиб йиғлади. У отаси ортидан Чанангача бориб, сўнг императорга ариза билан мурожаат қилишга мувоффақ бўлди”.

“Сизнинг қулингиз отаси гуноҳи кечирилишини ва унинг яна янгидан ҳаёт бошлаши учун ўзини давлат қулига айлантирилиши ўтиниб сўрайди”<sup>17</sup>.

Қайд этилишича, мурожаат билан танишиб чиққан подшоҳ нафақат ушбу ҳолат бўйича, балки ушбу ҳолат туртки бўлиб, қонунчиликдаги айрим ҳолатларга тегишли тузатишлар киритиш бўйича қарор қабул қилган.

Умуман олганда, қадимда, хусусан Конфуций яшаган даврда қонунлар халқ манфаатларидан кўра кўпроқ ҳукмрон табақа манфаатларига хизмат қилувчи кучга эга бўлган. Конфуций халқ манфаатларини ҳимоя қилиб, давлат бошқарувида ахлоқий қоидалар ва халқ анъаналарига таяниш, урф-одатлар асосида бошқарувни таклиф қилган.

Унинг фикрига кўра “Агар тепадагилар жамиятни бошқаришда, урф-одатларга амал қилсалар халқ уларга ҳурматсизлик кўрсатишга журъат қилмайди. Агар жамият қонунлар ёрдамида бошқарилса ва жазолар ёрдамида тартиб ўрнатилса, халқ жазолардан қочишга интилади ва ўз қилмишларидан уялмайди. Агар халқ эзгу амаллар ва ахлоқ ёрдамида бошқарилиб, тартиб ўрнатилса, халқ ўзининг қилмишларидан уялади ва тўғри йўл тутади”<sup>18</sup>.

Конфуцийнинг ушбу қарашларини нафақат ўз даври учун ҳозир ҳам аҳамиятли дейиш мумкин. Аммо давлат ва жамиятни бошқаришда, тартибни таъминлашда қонунларнинг ўзишга хос вазифаси борлигини инкор этиб бўлмайди. Конфуций таклиф этган бошқарувда давлат раҳбаридан тортиб, барча даражадаги давлат хизматчилари ҳам, жамоатчилик ташкилотлари ҳам, халқ ҳам юксак даражада тарбияли бўлишлари, кадриятларга содиқ, соф инсоний фазилатларга эга бўлишлари лозим. Аммо бу даражадаги юксак давлат ва жамият бошқарувини ташкил этиш, бутун халқни урф-одат, анъана ва инсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш амри маҳол.

Тарихдан маълумки, Конфуций тахминан 50 ёшидан бошлаб, давлат бошқарувида маълум муддат (айрим манбаларда уч йил) юқори амалдор сифатида фаолият юритган. Манбаларда қайд этилишича Конфуций раҳбарлик қилган даврида ўзи масъул бўлган соҳада ўзи айтганидек, урф-одат, анъана ва кадриятлар асосида эмас балки, қонун устуворлигини таъминлашга эътибор қаратган. Ҳатто у ўзи кўриб чиққан иш юзасидан ўлим жазоси тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилган ҳолатлар ҳам бўлгани тўғрисида маълумотлар мавжуд.

<sup>17</sup> Низомиддинов Н.Ф. Қадимги Хитой тарихи. Диний эътиқоди ва маданияти. “Fan va texnologiyalar” –Тошкент 2014. – Б. 76.

<sup>18</sup> История китайской философии. – М.: Прогресс, 1989. - 58-бет.



Хусусан, “Конфуций Лу подшоҳлигида жиной ва сиёсий хиёнаткорлик каби ишларни Бош прокурор даражасида ўрганар ва улар юзасидан тегишли қарор чиқарарди. Лекин бора-бора Конфуцийнинг масъулияти судловдан ҳам юксак бўлиб, у амалда ҳукмдорнинг энг яқин маслаҳатчисига айланди. Бу ишга Конфуций уч йил ишлайди. Ўтган йилларда бажарилган ишлар ичида маънан гўё бошқалар назарида “Конфуций таълимоти тамойилларига тўғри келмаган ҳукмлар”га ҳам қул уришга тўғри келган.

Жумладан, у вақтинчалик “сян” – подшо малаҳатчиси бўлиб ишлаганида Шао-чжен Мао номли кишини ўлим жазосига тортган. Бу иш “Сюн-ци” манбаида қуйидагича баён этилган:

“Кун-ци вақтинчалик Лу подшолигида “сян” вазифасини бажаради. У етти кун Лу подшолиги саройидан чиқмай охири Шао-чжен Маони ўлим жазосига ҳукм қилади. Шунда унинг талабаларидан бири сўрайди:

– Луда Шао-чжен Мао машҳур зотлардан эди.

Сиз яқиндагина юксак лавозимни эгаллаб, ўз вазифангизни қатл этишдан бошладингиз. Шунда хато қилмадингизми, Устоз?

Кун-ци деди:

– Ўтир Мен сенга нега бундай қарор қилганимни айтиб бераман. Одамлар ичидаги ўғриларни ҳисобга олмаганда, беш хил ёвуз жинойтлар бўлади.

Биринчиси, бу – дилдан адолатни хис қилади, лекин ёлғон сўзлайди.

Иккинчиси, бу – феъл атвори бўйича гўё бўйсунувчандек, лекин аслида ўжар;

Учинчиси, бу – ёлғончи, лекин ўзини чиройли мулоҳазалари билан ҳимоялайди;

Тўртинчиси бу – барча ножоиз ишларни ёзиб олиб, ёдида сақлайди;

Бешинчиси бу – ноҳақлар йўлини тутиб, уларни ширин сўзлар билан ардоқлайди.

Агар борди-ю бу беш хусусиятдан бирортаси одамгарчиликка муносиб бўлсайди, унда инсофли киши ҳеч қачон қатл этилмасди. Шао-чжен эса, беш хусусиятнинг барини ўзлаштиргани учун уни ўлимга маҳкум этмаслик мумкин эмасди”<sup>19</sup>.

Конфуций ушбу лавозимда кўп ишламайди. Сарой вазифасидан кетиб, умрининг охиригача ўзининг илмий фаолияти билан шуғулланади ва турли давлатларга сафар қилади.

Хусусан, “Лу подшолигидан кейин Конфуций дастлаб Вэй давлатига боришга қарор қилади. Йўлда шогирдларидан билан кетаётганда устоз одамларнинг кўплигини кўриб ҳайратланади.

<sup>19</sup> Низомиддинов Н.Ф. Қадимги Хитой тарихи. Диний эътиқоди ва маданияти. “Fan va texnologiyalar” –Тошкент 2014. – Б. 154.

“Одамларнинг кўплигини қара!

Шогирди Жан Ю устозидан сўрайди:

– Бу каби оммани қандай бошқариш мумкин?”

Устоз деди;

– Аввало буларни тўқ қилиш керак!

Шогирд яна устозини саволга тутди: Авом тўқ бўлганидан кейинчи, уни қандай бошқариш керак?

Устоз деди:

– Энди уни тарбиялаш керак!<sup>20</sup>”.

Конфуций ва унинг шогирди ўртасида бўлиб ўтган ушбу кичкина суҳбат замиридаги ҳақиқат минг йиллар давомида ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Хитой энг қадимги давлат бирлашмалари ташкил топган ҳудудлардан биридир. Қадимги Хитой давлатчилиги тизимининг ўзига хос жиҳатлари бир бу – узоқ йиллик тарихий жараёнда давлатчилик тизими ва сиёсий жараёнлар мураккаб кечганлиги, тинисиз ва узоқ муддатли урушлар турли даврларда вужудга келган давлатларнинг ҳарбийлашишига сабаб бўлган. Аммо қадимги Хитой чуқур фалсафий қарашларга эга бўлган мутафаккирларга ҳам ватан бўлган. Уларнинг фалсафий қарашлари, бошқа соҳалар қатори қадимги Хитойда давлат ва ҳуқуқ тизимининг шаклланишига ва ривожланишига ўзига ўринга эга бўлган. Баъзи мутафаккирларнинг давлат ва ҳуқуқ борасидаги қарашлари, айрим қадимги Хитой ҳудудида мавжуд бўлган давлатлар томонидан қабул қилинган ва давлат ва ҳуқуқ тизимида ўзига хос ўринга эга бўлган.

Эътиборлиси ушбу фалсафий, ҳуқуқий қарашларнинг аксарияти ҳозир ҳам аҳамиятини йўқотмаган. Шу сабабли қадимги Хитой мутафаккирларининг давлатчилиги ва бошқа соҳадаги қарашлари ҳозирга қадар аксарият давлатлар томонидан ўрганилмоқда ва тегишли хулосалар қилинмоқда.

### Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

1. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-x/xitoy-uz/>
2. Низомиддинов Н.Ф. Қадимги Хитой тарихи. Диний эътиқоди ва маданияти. “Fan va texnologiyalar” –Тошкент 2014. – Б. 176.
3. Ancient China From the Neolithic Period to the Han Dynasty. Asian Art Museum, February 20, 1999. – P. 83.
4. Ancient China From the Neolithic Period to the Han Dynasty. Asian Art Museum, February 20, 1999. –P. 19.
5. [Кобзев А. И.](#) [Ван Янмин](#) и даосизм // Дао и даосизм в Китае / Отв. ред. [Л. С. Васильев](#). – М.: Наука, 1982. – 289 с.

<sup>20</sup> Низомиддинов Н.Ф. Қадимги Хитой тарихи. Диний эътиқоди ва маданияти. “Fan va texnologiyalar” –Тошкент 2014. – Б. 156.

6. Переломов Л.С. Конфуцианство и легизм в политической истории Китая. – М.: Наука, 1981. – С.52-53.
7. Васильев Л.С. Государство и частный собственник в теории и практике легизма. – В сб.: 5-я научная конференция «Общество и государство в Китае», в. 1. – М., 1974.
8. Дао дэ Цзин. Книга о Пути и Добродетели.  
<https://www.newacropol.ru/alexandria/philosophy/philosofs/laotzu/>
9. История политических и правовых учений. - М.: Норма-Инфра, 1999. - с.26.
10. История философии. – Ростов на Дону: Феникс, 2000. - с.32.
11. Древнекитайская философия. Собрание текстов в 2-х т. Т.1. - М., 1972-1973. -с.86-87.
12. История китайской философии. - М.: Прогресс, 1989. - с.47.
13. Сагдуллаева Д. Қадимги хитой фалсафасига оид ҳуқуқий қарашлар генезиси  
<https://cyberleninka.ru/article/n/adimgi-hitoy-falsafasiga-oid-u-u-iy-arashlar-genezisi>
14. Низомиддинов Н.Ф. Қадимги Хитой тарихи. Диний эътиқоди ва маданияти. “Fan va texnologiyalar” –Тошкент 2014. – Б. 35.
15. Низомиддинов Н.Ф. Қадимги Хитой тарихи. Диний эътиқоди ва маданияти. “Fan va texnologiyalar” –Тошкент 2014. – Б. 64.
16. Низомиддинов Н.Ф. Қадимги Хитой тарихи. Диний эътиқоди ва маданияти. “Fan va texnologiyalar” –Тошкент 2014. – Б. 64.
17. Низомиддинов Н.Ф. Қадимги Хитой тарихи. Диний эътиқоди ва маданияти. “Fan va texnologiyalar” –Тошкент 2014. – Б. 76.
18. История китайской философии. - М.: Прогресс, 1989. - 58-бет.
19. Низомиддинов Н.Ф. Қадимги Хитой тарихи. Диний эътиқоди ва маданияти. “Fan va texnologiyalar” –Тошкент 2014. – Б. 154.
20. Низомиддинов Н.Ф. Қадимги Хитой тарихи. Диний эътиқоди ва маданияти. “Fan va texnologiyalar” –Тошкент 2014. – Б. 156.